

Халқаро олимпиада - ҳамкорлик таълманинг асосий пойдевори

2021 йил 9 апрель куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Баркарор ривожланиш максадлари» бўйича халқаро олимпиаданинг миллий босқичи ўз ишини бошлади. Олимпиаданинг очилишига бағишиланган тадбирда кириш сўзи билан иштирок этган ТИҚҲММИ ректори, проф. Ў.Умурзаков ушбу олимпиаданинг мақсади ва аҳамиятини очиб берди.



Шунингдек олимпиадани очилишида Қозоқ-Немец университети проректори Барбара Януш-Павлетта, Оролни кутқариш жамғармаси раҳбари Вадим Соколов, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссиясидан Динара Ажигалиева, Глобал сув ҳамкорлиги ташкилотидан (GWP) Гульджамал Нурмуҳамедова ўз маърузалари билан иштирок этишди ҳамда халқаро олимпиада иштирокчиларига омад ва зафарлар тиладилар.



Олимпиаданинг 1-босқичи онлайн шаклда тест синовлари кўринишида ўтказилди ва биринчи бокич натижалари шу куннинг ўзида эълон қилинди. Ғолиблар олимпиаданинг 2-босқичига йўлланма олдилар. Халқаро талабалар олимпиадасида мамлакатимизнинг 15 та олий таълим муассасалари вакиллари иштирок этишди.



Халқаро олимпиада яна 2 кун давом этади. Олимпиаданинг кейинги кунларида, қатнашчиларни маҳсус сув хўжалиги обьектларига ташрифларини уюштириш ҳамда олимпиаданинг йўналишлари бўйича 2-босқичини ўтказиш режалаштирилган.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати